Ўзбекистон Республикаси
Бухоро вилояти
Пешку тумани ҳокими
ҚАРОРИ

O'zbekiston Respublikasi
Buxoro viloyati
Peshku tumani hokimi
QARORI

2019 йил "20" декабрь Пешку тумани 4783 - сон

Махсус техникалар орқали истеъмолчиларга тоза ичимлик суви етказиб бериш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган "Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш" Қоидаларининг 118-банди ва 2015 йил 30 октябрдаги "Сув таъминоти ва канализация ташкилотларини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 306-сонли қарорларига мувофиқ, истеъмолчиларга махсус техникалар орқали тоза ичимлик суви етказиб бериш хизмати учун тўловлар тарифларини белгилаш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонунининг 6, 14-моддалари ва "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6, 25-моддаларига асосланиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

"Сувоқава" давлат унитар корхонаси Пешкў туман филиали томонидан аҳоли (истеъмолчилар)га махсус техникалар орқали тоза ичимлик суви етказиб бериладиган ҳудудлар, ичимлик суви миқдори, муддати ва етказиб бериш хизмати учун тўловлар тарифлари, нархларни тартибга солувчи орган билан келишилган ҳолда иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вилоят "Сувоқава" давлат унитар корхонаси Пешкў туман филиали раҳбари М.Аҳмедовга:

- ичимлик сувини белгиланган тартибда шартнома асосида махсус автотранспорт воситалари орқали ўз вақтида, тўлик етказиб беришни таъминлаш;

- истеъмолчиларга етказиб берилган ичимлик суви бўйича ҳисоб-китобларни белгиланган тартибда ва ўз вақтида амалга ошириш.

3. Туман ҳокимлиги умумий бўлими (Ш.Ҳайитов) мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжат "Пешку овози" газетасида чоп этилишини, туман хокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини ва электрон шаклда

бир кунлик муддатда ижрочилар ва фукароларнинг ўзини ўзи бошкариш органларига етказилишини ташкиллаштирсин.

4. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари К.Имомов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **А.Назаров**

Туман ҳокимининг
2019 йил 20 XII даги
4783 -сонли қарорига
ИЛОВА

Туман “Сувоқава” давлат унитар корхонаси туман филиали томонидан туманнинг Пешку МФЙлар аҳолиси (истеъмолчилари)га махсус техникалар орқали тоза ичимлик суви етказиб бериш хизмати учун тўловлар тарифлари

№	Ҳудуд номи	Миқдори (тн)	Муддати	Сув олиш нуктасидан аҳоли пунктига ча бўлган ўртача масофа (км)	Ҳудудлар бўйича ҚҚСсиз ўртача тариф		
					сўм/ тн-км	сўм/ тн	сўм/ литр
	1	2	3	4	5	6	7
1	Хулбор МФЙ	84	Ҳар 3 кунда	12	30000 сум тн-км	30000сум /тн	30 сум -литр
2	Богмусо МФЙ	120	Ҳар 3 кунда	10	25000 сум тн-км	25000сум /тн	25 сум -литр
3	Бобохожи МФЙ	140	Ҳар 3 кунда	20	35000сум /тн км	35000сум /тн	35 сум -литр
4	Каракалпок МФЙ	130	Ҳар 3 кунда	20	35000сум /тн/км	35000сум /тн	35 сум -литр
5	Навгахон МФЙ	99	Ҳар 3 кунда	20	35000сум /тн /км	35000сум /тн	35 сум -литр
6	Туркистон МФЙ	134	Ҳар 3 кунда	20	35000сум /тн /км	35000сум /тн	35 сум -литр
7	Чибогони МФЙ	132	Ҳар 3 кунда	10	25000сум /тн /км	25000сум /тн	25 сум -литр
8	Куёв хужа мфй	117	Ҳар 3 кунда	10	25000сум /тн-км	25000сум /тн	25 сум -литр
9	Углон Мфй	101	Ҳар 3 кунда	12	30000сум /тн-км	30000сум /тн	30 сум -литр
10	Камолот МФЙ	37	Ҳар 3 кунда	15	30000сум /тн-км	30000сум /тн	30 сум -литр
11	Валфажир МФЙ	144	Ҳар 3 кунда	12	30000сум /тн-км	30000сум /тн	30 сум -литр
12	Шавгон МФЙ	93	Ҳар 3 кунда	20	35000сум /тн -км	35000сум /тн	35 сум -литр
13	Хоркаш МФЙ	105	Ҳар 3 кунда	20	35000сум /тн -км	35000сум /тн	35 сум -литр
14	Зандани МФЙ	110	Ҳар 3 кунда	20	35000сум /тн -км	35000сум /тн	35 сум -литр
15	Дейча МФЙ	72	Ҳар 3 кунда	10	25000сум /тн -км	25000сум /тн	25 сум -литр
16	Дустлик МФЙ	110	Ҳар 3 кунда	12	30000сум /тн-км	30000сум /тн	30 сум -литр
17	Обидхужа МФЙ	93	Ҳар 3 кунда	12	30000сум /тн-км	30000сум /тн	30 сум -литр
18	Пешку МФЙ	138	Ҳар 3 кунда	12	30000сум /тн-км	30000сум /тн	30 сум -литр
19	Варахша МФЙ	70	Ҳар 3 кунда	25	35000сум /тн -км	35000сум /тн	35 сум -литр
20	Малишояк МФЙ	63	Ҳар 3 кунда	12	30000сум /тн-км	30000сум /тн	30 сум -литр
21	Садир МФЙ	45	Ҳар 3 кунда	12	30000сум /тн-км	30000сум /тн	30 сум -литр
22	Ибн Сино МФЙ	130	Ҳар 3 кунда	15	30000сум /тн-км	30000сум /тн	30 сум -литр
23	Узбек МФЙ	67	Ҳар 3 кунда	15	30000сум /тн-км	30000сум /тн	30 сум -литр

Бухоро вилоят Сувокава ДУК
Пешку туман филиали рахбари **М.Ахмедов**